# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 27 ноябрь, № 245 (7475) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАТАРИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.**





Учрашувда Россия Федерациясиси субъектлари орасида мамлакатимиз ҳудудлари учун етакчи ҳамкорлардан бири бўлган Татаристон билан алоқаларнинг бугунги босқичидаги долзарб масалалар ва амалий шерикликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзаро ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилда Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида Ўзбекистоннинг бош консуллиги очилди.

Россиянинг ушбу ҳудуди билан ўзаро савдо ҳажми ортмоқда. Машинасозлик, нефть-газ, кимё ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, кооперацияни кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, электротехника ва фармацевтика тармоқлари, ахборот технологиялари, уй-жой коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида амалий лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув сўнгида 2020 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси"ни қабул қилиш ва шерикликни кенгайтириш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳининг мунтазам учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда "Адолат" СДП номидан "Адолат" СДП: Биз таълим тизими келажагини қандай кўрамиз?" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатларнинг эътибори биринчи ўқишда муҳокамага киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига қаратилди.*

Ушбу лойиҳа парламент қуйи палатасидаги қўмиталар, сиёсий партиялар фракцияларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди. Йиғилишларда янги Солиқ кодексининг ҳар бир нормаси синчиклаб кўриб чиқилди ва айрим нормалар депутатлар ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Чунки мазкур ҳужжат нафақат давлатнинг солиқ сиёсатини амалга оширишга, балки солиқ қонунчилигини қўллашни максимал даражада соддалаштириш, зиддиятлар ва тушунмовчиликларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фундаментал норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда Солиқ кодекси лойиҳасининг тузилиши деярли сақлаб қолингани таъкидлаб ўтилди. Уни умумий ва махсус — солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш қисмларига бўлиш кўзда тутилмоқда. Илк бор солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, уларнинг жавобгарлиги кучайтирилмоқда. Солиқ тўловчиларга эса солиқ режимини танлаш, уларни тўлаш тартиби каби имтиёзлар тақдим этиляпти.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилган ҳолда сувдан фойдаланиш, шу жумладан, сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишни таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар яратилган, сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ глобал иқлим ўзгариши туфайли республикада қуруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда қор захиралари майдони камаймоқда, камсувлик такрорланиши тобора кўпаймоқда, бу эса, ўз навбатида, сув танқислиги келиб чиқиш хавфининг ошишига олиб келади.

Шу билан бирга, мамлакат сув балансини бошқаришда ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш зарур даражада олиб борилмаяпти, шунингдек, сув ресурслари сифати ва хавфсизлиги мониторингини амалга оширишнинг самарали тизими яратилмаган.

Сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг хавфсиз ва сифатли сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, сув балансини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг сув таъминоти ва сув чиқариш тизимини ривожлантириш стратегияси концепцияси ишлаб чиқилаётгани маълумот учун қабул қилинсин:

республиканинг Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлашнинг ягона марказлаштирилган тизимини яратиш, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш;

**(Давоми 3-бетда).**

Рустам МИННИХАНОВ:

## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА ЛОЙИҲАЛАРДАН МАМНУНМИЗ»

*Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашув ва ташриф самаралари хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Аввало, Президентлар Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёевнинг самимий муносабати Россия билан Ўзбекистон ҳудудларининг яқин ҳамкорликда ишлаши учун пойдевор бўлаётганини таъкидламоқчиман. Бу жуда муҳим. Биз сўнгги уч йилда юртингизда катта ўзгаришлар кечаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ўз олдига улкан мақсадлар қўйган ва уларни самарали тарзда рўёбга чиқармоқда.

Биз давлатингиз раҳбарига бугун Самарқандда "КамАЗ" компанияси билан ҳамкорликда очилган "КамАЗ" автомобиллари шассисини йиғиш линияси ҳақида сўзлаб бердик.

➡ 3

ЎЗБЕКИСТОН – ТАТАРИСТОН:

## САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихановнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 26 ноябрь куни пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзбекистон — Татаристон" ишбилармонлари бизнес форуми бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон ва қардош Татаристоннинг иқтисодиёт, савдо, инвестиция, туризм, нефтни қайта ишлаш, металлургия, енгил саноат, машинасозлик, оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият юритувчи қатор вазирлик ва идоралари, қўмита ва агентликлари раҳбарлари, йирик ишлаб чиқариш ва бизнес компаниялари вакиллари, ишбилармон доиралар иштирок этди.

Форум очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Ғаниев меҳмонларга мамлакатимизда қарор топган бизнес муҳит, хорижий инвесторлар учун яратилган қулайликлар ҳақида маълумот берди. Мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида сўз юритди. Айни пайтда Ўзбекистон ва Татаристон ўртасида умумий қиймати 1,5 миллиард доллардан зиёд 50 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди.

➡ 3

## «КАМАЗ» АВТОМОБИЛЛАРИ ШАССИСИНИ ЙИҒИШ ЛИНИЯСИ РАСМАН ИШГА ТУШДИ

*Самарқанддаги "UzAuto Trailer" компанияси 26 ноябрь куни Россиянинг "КамАЗ" ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда янги — "КамАЗ" автомобиллари шассисини йиғиш линиясини расман ишга туширди.*

Тантанали маросим Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихановнинг мамлакатимизга ишчи ташрифи доирасида ўтказилди.

Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов ва Татаристон Республикаси Президенти Р. Минниханов Ўзбекистон — Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, мазкур лойиҳа ана шу алоқалар маҳсули эканини таъкидлади.

Маросимда "КамАЗ" ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти бош директори Сергей Когогин, "Ўзавтосаноат" АК бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқов иштирокчиларни янги корхона фаолият бошлаши билан табриклади.

Ушбу йиғув линияси умумий майдони 7,4 минг квадрат метр бўлган янги ишлаб чиқариш корпусида ташкил этилган. Линия замонавий технологик ва ёрдамчи жиҳозлар билан таъминланган, улар йилига 3000 донадан ортиқ юк машиналарини ишлаб чиқариш имконини беради. Корпусда, шунингдек, газ баллони жиҳози ишлаб чиқариш ва "КамАЗ" шассисига ўрнатиш участкаси ҳам ташкил этилган.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги "Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5883-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи сув таъминоти давлат унитар корхоналари негизида ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш орқали "Ўзсувтаъминот" АЖ ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Сув таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни изчил давом эттириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш ва мамлакатнинг ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар қайта тузилаётган тегишли давлат унитар корхоналарининг шартномалари, ҳуқуқлари (2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 381,7 миллиард сўм дебитор қарздорлик) ва мажбуриятлари (2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 499,8 миллиард сўм кредитор қарздорлик) бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталлари қайта ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг мол-мулкини қолдиқ қиймати бўйича топшириш ҳисобига шакллантирилади;

"Ўзсувтаъминот" АЖ устав капиталини шакллантириш учун ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг давлат улушини топшириш номинал қиймати бўйича амалга оширилади;

"Ўзсувтаъминот" АЖ устав капиталидаги акцияларнинг давлат пакети бўйича акциядор функциялари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) давлат унитар корхоналарини қайта ташкил этиш якунлангунга қадар уларнинг мол-мулки сақланишини таъминлайди.

**(Давоми 3-бетда).**

**Видеоконференция**

АҚШ Давлат департаменти вакиллари:

## «Ўзбекистондаги ислоҳотларни юқори баҳолаймиз»

*Тошкентда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг АҚШ Давлат департаменти аъзолари билан видеоконференция шаклидаги биринчи мулоқоти бўлиб ўтди.*

*Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади.*

Тадбирда Ўзбекистон — АҚШ мутасадди вазирлик ва идоралари масъул шахслари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Сўзга чиққанлар одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. Буни сўнгги уч йилда мазкур йўналишда 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганида ҳам кўриш мумкин.

➡ 3

**Эътироф**

## КОРПОРАТИВ ЕВРОБОНДЛАР ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

*Лондон фонд биржасида листингга киритилган ва халқаро капитал бозорларида сотувга чиқарилган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги халқаро облигациялари инвесторлар томонидан юқори баҳоланди.*

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда хусусий, шу жумладан, хорижий инвестицияларни республикадаги лойиҳаларга кенг жалб қилиш учун халқаро капитал бозорлари муҳим роль ўйнайди. Бу борада жорий йил февраль ойида мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг 1 миллиард АҚШ долларига тенг суверен облигацияларининг халқаро капитал бозорларида муваффақиятли жойлаштирилиши юртимиздаги тижорат банклари ва корхоналар учун янги имконият яратди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан корпоратив халқаро облигациялар чиқариш бўйича "JP Morgan", "Citigroup", "Commerzbank", "Raiffeisen Bank" сингари халқаро инвестиция банклари (молиявий консультантлар) тавсиялари асосида тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Жорий йилнинг 18 — 22 ноябрь кунлари Цюрих, Франкфурт ва Лондон шаҳарларида олтмишга яқин инвесторлар билан учрашувлар ва музокаралар бўлиб ўтди.

➡ 4

# «Адолат» СДП:
# БИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ КЕЛАЖАГИНИ ҚАНДАЙ ҚЎРАМИЗ?

**Инсон учун зарур ва бирламчи масалалар саналганда таълим олдинги ўринга чиқади. Ҳар қандай давлат ва жамият ривожида таълим муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу тизимнинг самарали ишлаши бошқа барча соҳадаги ютуқларни кафолатлайди. Демак, олдимизга қўйган мақсадларимизга фақатгина таълим соҳаси ислоҳотлари орқали эришамиз. Юртимизда бу жабҳа доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП сайловларга киришар экан, ана шу масалани энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олган.**

## Бола камолотида боғча алоҳида ўрин тутади



**Қаҳрамон ИБАДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Боғча ёшидаги болалар қобилиятини ўрганган психологлар уларни махсус ихтисослаштирилган синфларда ўқитишни ташкил этиш маъқуллигини айтишган. Албатта, боланинг илк ривожланиши мактабгача таълим тизимидан бошланади, яъни унинг камолотида боғча алоҳида ўрин тутади. Бу босқичда яхши билим ва тарбия олган фарзандларимиз мактабга борганида ҳам сабоқни тезлик билан ўзлаштира олади.

Ўз навбатида, фарзандларимиз ватанпарварлик туйғусини ҳам боғча ва мактабда эгаллай бошлайди. Шундай экан, таълимнинг ушбу иккала босқичида ҳам уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш ҳамда лидерлик қобилиятини ўстириш, уларни жамият ривожига мос равишда тарбиялаш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади, десак, айни ҳақиқатдир.

Юртимизда ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлом бўлиб вояга етишига доир ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада, айниқса, кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари, Президентимиз Фармон ва қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Уларда болаларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий ёндашувларни татбиқ этиш, болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун барча шарт-шароитни яратишга доир долзарб вазифалар белгиланганки, бу бизнинг фаолиятимизни янги босқичга кўтарди.

**УШБУ ҲУЖЖАТЛАРДА ҚАТОР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН:**

- халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш;
- туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;
- умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;
- ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш;
- ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш сингари масалалар шулар жумласидандир.

Шу ўринда айтиш лозимки, таълим муассасаларида дарсларни самарали ташкил этишда уларда тиббий хизмат хоналарини тиклаш ҳамда болаларни умумий тиббий ва стоматологик назорат билан қамраб олиш жуда муҳим саналади.

Гап шундаки, бу борадаги мавжуд вазият ўрганилганда, мактабгача таълим муассасалари тиббиёт хонасида ширма, қўл динамометри, кўз, қулоқ ва бурунни текшириш учун стол лампаси, термосумка ва муз халтаси каби тиббий восита ҳамда анжомлар йўқлиги маълум бўлган. Мактабларда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг тиббий хизматга доир қисми ижросида ҳам сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқланган.

Шулардан келиб чиқиб, партиямиз ушбу йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш орқали фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

## Синфлардаги ўқувчилар сонини талабга мослаштириш зарур

**Дилбар ҲАКИМОВА, Жиззах давлат педагогика институти кафедра мудири:**

— Бугун илғор фикрлаётган ёш авлодга замон талаблари асосида билим бериш учун дарсларни улар талабига мос, юқори даражада ташкил этиш, машғулотларни ўтадиган ўқитувчи-педагогларнинг малакаси ва маҳорати юксак бўлишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу каби ишлар йўлга қўйилиши таълим-тарбия жараёнидаги камчиликлар барҳам топишига ҳам хизмат қилади, албатта.

Партиямиз қошидаги ишчи гуруҳи томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида юртимиздаги мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизмат аҳволи, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси, манту синамаси ва бошқа эмлашлар даврийлиги ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатлари жамоатчилик назорати тартибида ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 4 октябрдаги мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий хизматни такомиллаштиришга доир қўшма қарори ижроси таъминланмаганлиги аён бўлди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориш, жойларда дастурий вазифаларимизни рўёбга чиқариш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ комплекслари, гинекологик ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий яхшилаб бориш дастуримизда белгиланган асосий вазифалардандир. Масалан, “Соғлом болалик” лойиҳасини рўёбга чиқаришни таклиф қиляпмиз. Бундан кўзланган асосий мақсад болалар тиббиёт бирлашмалари тизимини тубдан яхшилашдан иборат.

Таълим тизимида кадрларнинг ойлик иш ҳақи масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида қайта-қайта таъкидланмоқда. Партиямиз айни шу муҳим масалага ҳам алоҳида эътибор қаратади.



**БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАРИМИЗ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:**

- ўқитувчилар иш ҳақи оширилиши ва ижтимоий мавқеини кўтариш, ижтимоий пакетни янада яхшилашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кучайтириш ишларини изчил давом эттирамиз;
- таълим олиш ва сифатини ошириш стратегиясини қабул қиламиз;
- ҳозирги кўплаб қонун, қарор ва кўрсатмаларни бир бутун ҳолга келтириб, Таълим тўғрисидаги кодексни қабул қилишни таклиф этяпмиз.
- Булар, пировардида соҳа ходимлари фаолиятини такомиллаштириш ва ишлаш тартибини ихчамлаштириш имконини беради.

Бугун юксак интеллект мамлакат рақобатбардошлиги ҳамда ривожини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, таълимга инвестиция киритишни қўллаб-қувватлаш орқали юртимизнинг келажагини кафолатлаш ва халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминлаш борасидаги ишимизни фаол давом эттирамиз. Зеро, маърифат ва таълим ёруғ келажак калитидир.

## Билим олишда узилишга йўл қўйиб бўлмайди



**Ҳусниддин МАМАДИЕВ, Республика ёшлар маркази директори:**

— Сайловолди дастуримизда таълим тизими, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим мактаби ва олий таълим тизимида қилиниши керак бўлган аниқ вазифалар кўзда тутилган. Биз узлуксиз таълим тизимининг такомиллашуви, сифатли таълим хизматига эга бўлишни кафолатлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдоримиз. Албатта, дастурда мактабгача таълим даргоҳлари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини сезиларли равишда кўтариш ҳамда педагоглар ва мутахассисларнинг малакасини оширишни қўллаб-қувватлаш масаласи илгари сурилмоқда.

Дастуримиздан умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, болалар спорти, мусиқа, санъат мактабларининг мавжуд масканларини реконструкция қилиш, янги биноларни қуриш, болаларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, уларни мусиқа ва санъат оламига қизиқтириш, аҳолининг мутолаа маданиятини ривожлантириш каби масалалар ҳам кенг ўрин олган. Бу бежиз эмас, албатта.

Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 23 август куни Президентимиз раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагоглар малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Мактаб — бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак”, дея алоҳида таъкидланганди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 апрелдаги Фармонига мувофиқ, Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган ва унда 48 та мақсадли кўрсаткичга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланган эди. Шундан келиб чиқиб, 2030 йилга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингида Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилди.

**ШУ БОИС САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМИЗДА ҚУЙИДАГИЛАРГА АЛОҲИДА ЎРИН БЕРИЛГАН:**

- умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш;
- синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш;
- ўрта таълим тизимига STEAM таълимини жорий қилиш;
- ўқув дастурларида тарих, ўзбек тили ва адабиёти каби фанлардан ўқув соатларини кўпайтириш;
- жаҳон билимлари ва маданий қадриятларини ўрганиш учун интернет тизимига чиқиш имконини берувчи компьютер технологиясини ўқув жараёнига чуқур киритиш;
- умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида узайтирилган кун гуруҳларини жорий қилиш;
- умумтаълим мактабларида ҳам махсус фанларни чуқурлаштириб ўтиладиган синфларни очиш;
- ўсиб келаётган ёш авлод орасида китобхонлик даражасини ошириш.

## Олий ўқув юртларидан квоталарни олиб ташламоқчимиз

**Гулруҳ АГЗАМОВА, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими мудири:**

— Юртимизда таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, уларнинг моддий-техника базаси янгиланганлиги ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлиги ёшларимиз учун имкониятларни кенгайтирди. Қўшни давлатлар билан эркин савдо алоқалари ўрнатилгани каби таълим тизимида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қўшни мамлакатлар олий ўқув юртларига ёшларимиз ўқишга кирмоқда. Ўз навбатида, улардаги ёшлар бизнинг олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Жумладан, афғон ёшларига юртимиз олий ўқув юртларида ўқиш имконияти яратилди. Бу, албатта, Афғонистон мамлакатида ҳам илғор, тараққийпарвар ёшлар етишиб чиқиши учун юртимиз тарафидан берилаётган беминнат имконият ва ёрдамдир. Шулар асосида дастуримизда олий таълим тизимини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавийлаштириш, АКТ воситалари билан таъминлаш ҳамда етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган.

Хусусан, партиямиз олий таълимга кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориши ва имтиҳонларни фақат бюджет (давлат гранти) асосида кирадиганлар учун қолдиришни, контракт асосида ўқишни истайдиганлар учун имтиҳон ва синовларсиз ўқишга қабул қилишни йўлга қўйишни таклиф этмоқда. Бу ёш авлоднинг имкониятларини кенгайтиришда ҳамда сифатли таълим олишида қўл келади. Ўқишга киришни осонлаштириш, аммо ўқишга бўлган талабни кучайтириш ҳам сайловолди платформасида алоҳида қайд этилган. Талаба яхши ўқимаса, курсдан курсга қолиб, қайта-қайта контракт пулини тўлайди. Қачонки, у давлат стандартлари бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширса, унга олий маълумот ҳақида диплом берилади. Бу йўл ҳам таълим сифатини ошириб, кадрлар ўртасида рақобат муҳитини кучайтиришга ва коррупциянинг олдини олишга замин яратади.

Бугун олий таълим муассасаларига кириш истагидаги ёшларнинг атиги 10-11 фоизи қамраб олинмоқда. Бунинг натижасида ўқишга кира олмаган ёшлар қўшни давлатларга таълим олиш учун чиқиб кетяпти. Олий маълумотли кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ортиб бораётганидан келиб чиқиб ҳамда 11 йил давлат таълимини олган ёшларимиз ўзимизда олий маълумотга эга бўлиши учун имконият яратиш мақсадида ОТМларга ўқишга киришни осонлаштириш, қабулларни кўпайтириш чорасини кўриш ҳам дастуримиздан ўрин олган.

Албатта, бугун катта орзу-мақсадлар билан Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган шижоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиздир. Шу мақсадда партиямиз тизимида “Ёш адолатчилар” қаноти, “Истеъдодли ёшлар клуби” ташкил этилди. Улар томонидан жойларда иқтидорли ёшларнинг фаолияти ўрганилиб, қўллаб-қувватланди, турли танловлар доирасида уларнинг сиёсий билимлари оширилди. Айниқса, “Конституция билимдони” танлови ташкил этилгани ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашдан ташқари, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишларини таъминлаётир.

Ёшлар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан ёшлар билан очиқ ва доимий мулоқотни ўтказиш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш тарафдори эканимизни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

**МАЗКУР ЙЎНАЛИШДАГИ МАҚСАДЛАРИМИЗ ШУНДАЙ:**

- ✔ ёшларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ✔ уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- ✔ ёш авлод тафаккурида мустақиллик, миллий ўзини ўзи англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси, фидокорлик каби туйғуларни уйғотиш;
- ✔ фарзандларимизни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш.

Умуман, сайловолди дастуримиздаги ҳар бир мақсад ва вазифада янги авлодни тарбиялаш ва уларни сифатли таълим тизими билан тўлиқ қамраб олиш каби эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, янги авлодни тарбиялаш халқни тарбиялаш демакдир.

Замонавий технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш учун, албатта, кучли таълим тизими ва салоҳиятли кадрлар зарур. Шундан келиб чиқиб, биз таълим тизимининг барча босқичига замонавий АКТни жорий қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш, ОТМлар моддий-техника базасини замонавийлаштириш, уларни илғор ўқув-илмий лабораториялар ва АКТ воситалари билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва дастурлар, етакчи педагогик технологияларни машғулотларга кенг татбиқ этиш тарафдоримиз.



Аҳолининг олий таълимга бўлган талабидан келиб чиқиб, масофавий таълимни онлайн режимида интернет тармоғи орқали жойларда жорий қилишнинг қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда ўта долзарб.

Шунингдек, Ўзбекистонимизнинг ривожи бутун халқимиз кенг маънода зиёли бўлиши, ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, Таълим концепциясини ишлаб чиқишни энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олганмиз. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилажак таълим тизими мақсади, вазифа ва принциплари ҳозирги даврдаги глобаллашув жараёнлари билан мос бўлиши талаб этилади.

Бундан ташқари, миллий ОТМлар етакчи мутахассислари ва хорижий муассасалар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, илмий-педагогик фаолиятга чет эллик юқори малакали ўқитувчи ва олимларни жалб қилиш сингари масалалар ҳам дастуримизда ўз ифодасини топган.

Яна бир муҳим масала: инновацион таълим тизимини мамлакатда кенг жорий этиш. Бу тизим барчага баробар очиқ ҳамда юқори сифат даражасида бўлиши лозим. У нафақат инсоннинг касбий ўсишини, ижтимоий мақомини, балки ҳаётининг мазмунини ҳам белгилаб беради.

Инновацион фаолиятни кучайтириш ҳамда таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида илмий-оммабоп китоб ва журналлар, айниқса, ёшлар ва ўсмирларга мўлжалланган нашрларни кўпайтиришга алоҳида урғу берилади. Бу, пировардида ёшларни илм-фан, техника соҳасидаги ютуқлар билан таништириш, уларда билим олишга бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини беради. Қолгани эса тушунарли. Ана шундай юқори салоҳиятга эга ёшлар Ватанимизнинг порлоқ истиқболини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

республика сув таъминоти корхоналари негизида сув таъминоти ва сув чиқариш тизимлари объектларини эксплуатация қилишда ягона оператор функциясини бажаришни амалга оширадиган алоҳида корпоратив тузилмани ташкил этиш;

республиканинг сув ресурсларини бошқариш тизимини автоматлаштиришни ва ушбу соҳадаги барча бизнес жараёнларини рақамли форматга ўтказишни таъминлайдиган "Рақамли сув таъминоти корхонаси" тизимини жорий этиш;

соҳа корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш мақсадида инвестицияларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб этиш;

замонавий талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

2. Вазирлик **Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлашни мувофиқлаштириш соҳасида, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш бўйича** ваколатли давлат органи этиб белгилансин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

сув балансининг ягона ахборот тизимини яратган ҳолда Ягона давлат сув фонди сувларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотларнинг маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали республиканинг ягона сув балансини шакллантиришни ташкил этиш;

сувни ҳисобга олишнинг ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги мониторингини ўтказиш, зарур бўлганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тоза ичимлик сувининг стратегик захираларини яратишни ташкил этиш, шу жумладан, катта ҳажмдаги захира манбаларини барпо этиш;

сувдан фойдаланиш соҳасида замонавий инновацион технологияларни, шу жумладан, сувнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни мувофиқлаштириш, уларнинг республика сув балансининг ягона ахборот тизимига интеграциялашувини таъминлаш.

3. Вазирликнинг марказий аппарати таркибига Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига замонавий технологияларни жорий этишни ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган **вазирнинг биринчи ўринбосари** лавозими киритилсин.

4. Вазирлик марказий аппарати таркибида:

Ягона сув балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси;

Ягона давлат сув фонди сувларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бошқармаси;

Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларига замонавий технологияларни жорий этиш бошқармаси тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Вазирликда янги ташкил этилаётган бошқармаларнинг штатлари сони Вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штатлар сонини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

5. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини **Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси** сифатида қайта ташкил этиб, амалдаги вазифа ва функцияларини, шунингдек, молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Вазирлик таркибига ўтказиш;

**"Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамиятини** ташкил этиш ва унинг устав капиталини мазкур Фармоннинг **1-иловасида** кўрсатилган Вазирликнинг давлат унитар корхоналари устав капиталидаги давлат активлари ва улушларини топшириш ҳисобига шакллантириш, шунингдек, ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш;

2020 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг кўрсатилаётган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш бўйича функцияларини "Ўзсувтаъминот" АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларга ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлик томонидан Ягона давлат сув фондининг барча сувлар турларига нисбатан миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи республика сув балансининг ягона ахборот тизими юритилади;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази Ягона давлат сув фондининг барча сувлар турларига нисбатан миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини тизимли равишда Вазирликка тақдим этиб боради;

Вазирлик сувни ҳисобга олишнинг тўғрилигини, унинг хавфсизлиги ва сифатини тасдиқланган ва янгиланган маълумотларни ягона маълумотлар базасига киритган ҳолда мониторинг қилади, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқади ҳамда уларни сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларга жўнатади;

Вазирлик тизимли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига сувни ҳисобга олиш ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, шунингдек, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш тўғрисидаги ҳисоботни аниқ таклифлар билан тақдим этиб боради.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом ва республика аҳолисини сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқласин.

8. Молия вазирлиги Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда сув таъминоти корхоналарининг халқаро молия институтлари олдидаги қарздорлигини хатловдан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига молиявий юкни камайтирган ҳолда уни қоплаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда келгуси йилларда халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган сув таъминоти ва сув чиқариш тизимини яхшилаш бўйича лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, шунингдек, паст рентабелли лойиҳалар ва тақдим этилаётган хизматлардан кредит қопланиши 50 фоиздан кам бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилишига йўл қўймаган ҳолда улар бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишни таъминласин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда хорижий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларини модернизация қилиш ва бошқариш бўйича давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда сувдан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари, ягона ёндашув, автоматлаштириш механизмлари ва босқичларини ишлаб чиқиш ва унинг барча жараёнларини рақамли форматга ўтказишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **2-иловага** мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

13. Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р. А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКА СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ҳар бир тадбир ўтказилишининг аниқ муддатлари ва масъул шахсларни, жумладан, қайта ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг активлари ва мажбуриятлари хатловдан ўтказилишини кўзда тутган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар давлат унитар корхоналарини қайта ташкил этиш тартиб-таомилларининг тугатилишини назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминласин:

ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта ташкил этиш;

"Ўзсувтаъминот" АЖнинг устав капиталини шакллантириш ва унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш;

Вазирлик билан биргаликда зарур тажриба ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали, хусусан, хорижий мутахассисларни, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларига жалб қилишда "Ўзсувтаъминот" АЖга кўмаклашиш.

3. "Ўзсувтаъминот" АЖ:

эмиссион қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш йиғимларидан;

қайта ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг автотранспорт воситалари топширилишини қайта рўйхатдан ўтказишда автотранспорт йиғимларини тўлашдан озод этилсин.

"Ўзсувтаъминот" АЖга юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ва жамият маблағлари ҳисобидан уларга эркин конвертация қилинадиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг миқдорини белгилашга рухсат этилсин.

4. **Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари зиммасига** сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларини самарали эксплуатация қилиш, ривожлантириш, модернизациялашни, шунингдек, уларни бошқаришга, жумладан, барча иш жараёнларини автоматлаштиришни назарда тутувчи инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни таъминлаш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин**.

5. Қуйидагилар:

2020 йилда республиканинг ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастури **1-иловага** мувофиқ;

2020-2021 йилларда ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларда ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлар)ни ўрнатиш графиги **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасидаги Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасини шакллантириш, шунингдек, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни кейинчалик молиялаштириш учун Осиё тараққиёт банки билан 15 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз маблағлари ажратилиши тўғрисида келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик:

**2020 йил 1 майга қадар** Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида ҳисоб юритилиши ва мониторингини, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларнинг замонавий ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлари) билан жиҳозланишини таъминловчи замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилишини;

**2020 йил 15 июлга қадар** Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлар)ни харид қилиш ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларни улар билан таъминлаш юзасидан лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. Вазирлик, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг сув таъминоти корхоналарининг 2019 йил 1 октябрь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, электр энергиясини етказиб берувчилар олдидаги, жумладан, муддати ўтган қарздорлигини тўловларни 5 йил муддатга, шу муддатдан, кейинги 5 йил мобайнида ҳар ой бир меъёрда сўндирган ҳолда кечиктириш ҳамда ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун ҳисобланган пеняларни **3-иловага** мувофиқ ҳисобдан чиқариш йўли билан реструктуризация қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 январга қадар** республикада эксплуатация қилинаётган сув таъминоти ва сув чиқариш тизими объектлари учун ускуна, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **2020 йил 1 мартга қадар** қишлоқ аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлаш учун халқаро ва хорижий молиявий (грант) ва техник кўмак лойиҳаларини жалб қилишга доир аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Вазирлик марказий аппарати, унинг ташкилий тузилмасига кирувчи, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ҳудудий бўлинмалари ва ташкилотларининг ходимларига қонунчиликда назарда тутилган устама ва қўшимча тўловлардан ташқари Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги учун ходимлар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ белгиланадиган рағбатлантирувчи тўловлар тўланиши белгилансин.

Вазирлик бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу бандга мувофиқ Вазирлик ходимларига рағбатлантирувчи тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларга мувофиқ:

тижорат банклари билан биргаликда давлат унитар корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинган кредит мажбуриятларининг қайта расмийлаштирилишини таъминласин;

давлат унитар корхоналарининг мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартиришлар киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда:

ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминланган ва таъминланмаган барча аҳоли пунктларини хатловдан ўтказсин;

2020 — 2030 йиллар даврида тегишли ҳудуд аҳолисини ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлашнинг аниқ мақсадли кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда сув таъминоти ва сув чиқариш объектларини кенгайтириш схемалари ва манзилли дастурини тасдиқласин;

сув таъминоти ва сув чиқариш тизимлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига ҳамда тегишли аҳоли пунктларининг аҳолиси томонидан тузиладиган марказлашмаган сув таъминоти ташкилотларига топширилиши лозим бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантирсин.

13. Вазирлик бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 ноябрь

Рустам МИННИХАНОВ:

## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА ЛОЙИҲАЛАРДАН МАМНУНМИЗ»

1

Шунингдек, ишимизда катта самара берадиган шартномалар тўғрисида маълум қилдик. Татаристон ишбилармонлари иштирокидаги бизнес форуми ҳам жуда самарали бўлди. Унда туризм ва иқтисодий имкониятларимизни намойиш этдик.

Делегациямиз Ўзбекистонда яшайдиган татар миллатига мансуб фуқаролар билан учрашди. Улар мамлакатдаги ўзгаришлардан мамнун эканини айтиб, Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.

Биз юртингиз билан ҳамкорликда амалга оширилаётган барча лойиҳалардан мамнунмиз.

**ЎзА мухбири**
**М. ЭЛМУРОДОВ**
**ёзиб олди.**

ЎЗБЕКИСТОН – ТАТАРИСТОН:

## САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

1

Татаристон Республикаси Президенти Р. Минниханов ўз чиқишида Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати, аниқ натижага асосланган саъй-ҳаракатлари барча давлатлар қатори Россия, жумладан, Татаристон билан манфаатли алоқаларни сезиларли даражада кенгайтириш имконини бераётганини қайд этди. Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ривожланаётгани, 2018 йилда юртимизда ўтказилган Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро форумида эришилган келишувлар доирасида ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Жорий йил май ойида Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Альберт Каримов бошчилигидаги делегация ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Музокаралар натижаси бўйича нефть-газ, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, туризм, табиий бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ахборот технологиялари сингари ўнлаб соҳаларни қамраб олиш кўзда тутилган қатор келишувларга эришилди. "Татнефть", "КамАЗ", "НТЗ", "ТЭМ-ПО", "Химград", "Эйдос-медицина", "Татхимфармпрепарати", "Бионоватик" сингари Татаристоннинг дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаган ўнлаб йирик корхоналари билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Бугунги кунда ушбу ҳамкорлик натижалари реал рақамларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистон билан Татаристон ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 145 миллион АҚШ долларидан ошди. 2017 йилда бу рақам 92,6 миллион эди. Бироқ бу икки томон ҳамкорлигида эришилиши мумкин бўлган дастлабки самаралардир. Фойдаланилмаган улкан имкониятларни тўлақонли ишга солиш орқали иқтисодий шерикликда юксак натижалар қайд этиш мумкин. Мазкур бизнес форумидан кўзланган мақсад олий даражадаги ташрифлар чоғида асос солинган янги, замонавий шаклдаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада юксалтиришдан иборат.

Анжуманда Ўзбекистон — Татаристон ишбилармон доиралари иштирокида "B2B" шаклидаги учрашув ўтказилди. Музокараларда полимер қувурлар, совитиш ускуналари, ўсимлик етиштиришда қўлланувчи микробиологик препаратлар, сувни тозалаш учун реагентлар, иссиқлик изоляцияси материаллари, дизель автомобиллари, насос ва компрессор ускуналари ишлаб чиқариш, шунингдек, муҳандислик, энергетика, инфратузилма, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Манфаатли келишувларга эришилди.

Форум доирасида нефть-газ ва кимё саноати, кон-металлургия, ахборот соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар, шартномалар имзоланди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

АҚШ Давлат департаменти вакиллари:

## «Ўзбекистондаги ислоҳотларни юқори баҳолаймиз»

1

Бундан ташқари, жорий йилнинг июль ойида Президентимизнинг тегишли Фармони асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолияти тугатилиб, Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигидаги Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил этилди. Энг асосийси, ушбу масала бўйича "Миллий маърузачи" институти жорий қилинди.

Ҳозир комиссиянинг барча ҳуқуқий асоси яратилиб, Миллий комиссия ва унинг таркибидаги кичик комиссиялар, ҳудудий комиссиялар ишини тизимли йўлга қўйиш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг иш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор чоралар белгиланди. Хусусан, 2019-2020 йилларда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

Яна бир жиҳат, Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти, "Cotton Campaign" ва "Human Rights Watch" халқаро ташкилотлари тавсияларини инобатга олган ҳолда, одам савдоси ва мажбурий меҳнат соҳасида Ўзбекистоннинг позициясини яхшилашга қаратилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Шунингдек, хорижда бўлган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жавобгарлик нормасини кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокамадан ўтказилмоқда.

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзаро мулоқот давомида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилаётгани қайд этилди. Жумладан, жорий йил октябрь ойида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилингани соҳада амалга оширилаётган ишларни янги даражага олиб чиқишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан қишлоқ хўжалиги соҳасида мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2013 йилдан бошланган ҳамкорлик ўз ижобий самарасини бераётгани ҳам эътиборга молик.

АҚШ Давлат департаменти вакиллари "Ўзбекистондаги ислоҳотларни юксак баҳолаймиз" дея таъкидлаш баробарида, шунингдек, мамлакатда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш борасидаги вазиятни мониторинг қилиш бўйича ХМТ гуруҳи ишидан мамнун эканликларини билдирди. АҚШ томони мазкур йўналишда маслаҳатлашувлар ўтказиш ва ишларни ўрганишни давом эттириш учун жорий йил декабрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюришга тайёрлигини маълум қилди.

Якунда иштирокчилар самарали мулоқотни изчил давом эттиришга келишиб олишди.

**«Халқ сўзи».**

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

# ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ ИМКОНИЯТИ ҚОНУН БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, парламент юқори палатасининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинадиган қонунлар борасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.*

Ушбу учрашувларда Ўзбекистон тарихида илк маротаба республикамизнинг бош молиявий ҳужжати алоҳида қонун билан қабул қилинаётгани, "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонуни, ўз навбатида, бюджетни шакллантириш ва ижро этиш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши каби фикрлар билдирилди.

Унда бюджет ташкилотларида ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи бухгалтерларнинг маош ставкаларини ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳисобга олиниши, бюджет ставкалари прогнозлари қандай аниқланиши тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Тошкент вилоятида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган тарғибот тадбирида ҳам қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бюджет маълумотларининг очиқлигини, шаффофлигини янада ошириш, тегишли маблағларнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби талаблар қўйилган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида халқаро молия ташкилотлари экспертлари иштирокида "2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди.

— Шу пайтгача тақдим этилган бюджет ахбороти тегишли соҳада махсус билимга эга бўлган кишилар учунгина тушунарли бўлиб, фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда мавжуд эмас эди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Мухамет Жумагалдиев. — Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти салоҳиятини ишга солиш ва шу асосда давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назоратини таъминлаш, олиб борилаётган бюджет сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва унга бўлган ишончни ошириш асосий мақсад ҳисобланади. 2020 йилда ҳам олиб борилаётган солиқ ислоҳотларини давом эттириш билан бирга, бюджет сиёсатида ҳам кескин ўзгаришларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Шу боис сенаторлар ва соҳа мутахассислари иштирокидаги тарғибот тадбирларида Давлат бюджетининг шаклланиши, тақсимланиши ва маблағлардан самарали фойдаланилиши жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокини кучайтириш, маҳаллий бюджет маблағлари тақсимланишида депутатлар ваколатлари ва масъулияти оширилаётганлиги борасида ҳам сўз юритилди.

Кеча Олий Мажлис Сенатида юқори палатанинг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси олдидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи йиғилиши доирасида ҳам давлатимизнинг асосий бюджетномаси хусусида атрофлича фикр юритилди.

Қўмита аъзолари ва экспертларнинг айтишича, қонун маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини таъминлаб, солиқ тушуми базасини кўпайтириш, марказлашган молиялаштириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда Давлат бюджетининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Йиғилишда, шунингдек, ялпи мажлис доирасида кўриб чиқилиши назарда тутилган "Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларини тугатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этиши белгиланмоқда. Шунингдек, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилиши, шундан сўнг улар фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу корхоналарни тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқариш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйиляпти.

Тадбирда иштирок этган соҳа мутахассислари ва экспертлар кўриб чиқилган қонунлар юзасидан фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини инобатга олган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари тартиби тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун билан Фуқаролик кодексига, "Акциядорлик жамиятлари тўғрисида"ги, "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонунларнинг тегишли моддаларига ҳам қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлиги билдирилди.

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).**

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

←1

Солиқ назорати тартиблари соддалаштирилгани ва солиқ текширувлари турларининг 13 тадан 3 тагача қисқартирилгани депутатларнинг алоҳида қизиқишига сабаб бўлди.

Шунингдек, солиқ тўловларини таъминлашнинг янги воситаларини жорий этиш, пулли асосда солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини жорий этиш назарда тутилаётир. Солиқ имтиёзларини белгиланган ставкани пасайтириш шаклида, лекин 50 фоиздан кўп бўлмаган ва уч йилдан ошмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этиш мумкин бўлган қоидалар белгиланмоқда.

Парламент вакиллари солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштириш, солиқларнинг барча элементини аниқлаштириш ҳамда тартибга солишга қаратилган нормалар кодекс лойиҳасидан ўрин олганини таъкидлаб ўтдилар. Бу илк бор Солиқ кодекси билан тасдиқланаётган солиқ нормалари ва ставкаларининг доимийлигини таъминлайди.

Мажлисда сиёсий партиялар фракциялари аъзолари Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, улар бўйича ўз нуқтаи назарини билдирдилар.

Якунда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## АМАЛДАГИСИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кўплаб жабҳаларини ҳуқуқий мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Хусусан, "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солиш бўйича қирқдан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар асосан индивидуал характерга эга. Амалдаги "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонунда ЭИЗ фаолияти тўлиқ қамраб олинмаган. Қолаверса, у бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Сабаби соҳага оид қонун ҳужжатлари давр талаблари асосида қайта кўриб чиқилиши зарур.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, махсус иқтисодий зоналар бир қатор шаклларда, хусусан, эркин иқтисодий, махсус илмий-техникавий (технопарклар), туристик ва рекрацион, эркин савдо, махсус саноат зоналари шаклида ташкил этилиши мумкин. Лойиҳа асосий қоидалар, фаолият юритиш ва тугатиш муддатларини узайтириш, чегараларни ўзгартириш, ташкил этиладиган фаолият турлари, бошқарув, иштирокчи мақомини белгилаш, божхона расмийлаштируви тартиблари, солиққа тортиш, ер участкаларидан фойдаланиш тартиби, инвесторлар (сармоядорлар) ҳуқуқлари ва махсус ҳуқуқий тартиботларни ўз ичига олади.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, аввало, махсус иқтисодий зоналарни бошқариш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини минимал даражада камайтириш имконини беради. Бундай ҳудудларни инновацион ривожланиш кластерларига айлантиришга йўл очади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

## БОЖЛАР АСОССИЗ ОШИРИЛИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Шунингдек, депутатлар томонидан "Давлат божи тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Давлат божларини ундиришни тартибга солувчи 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бирлаштирган мазкур қонун лойиҳасида концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи ҳамда фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия ва рухсатнома берганлик учун давлат божи ундирилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида хорижий валютада белгиланган давлат божлари ставкалари қайта кўриб чиқилмоқда. Яъни уларни базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб сўм эквивалентида ундириш тартиби қонун лойиҳасида ўз аксини топган.

Шунингдек, лойиҳада мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ҳамда адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божларининг камайтирилиши белгиланяпти.

Умуман, давлат божининг аниқ миқдорлари қонун даражасида белгиланиши мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади, шунингдек, ставкалар миқдори асоссиз оширилишининг олди олинади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

## Сайёр қабуллар

# АҲОЛИ МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИШНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

*Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган энг устувор йўналишлардан биридир. Сўнгги йилларда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янгича йўналиши жорий этилди.*

*Хусусан, жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқот йўлга қўйилди. Бу эса узоқ йиллар давомида ечимини кутиб ётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ўзига хос самарали механизмга айланди.*

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхонаси ҳам мурожаат қилишда катта қулайлик яратди. Унга келиб тушаётган ариза, шикоят ва таклифлар чуқур ўрганилиб, ечим топилаётгани аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончи ва қизиқишини оширмоқда. Бугун одамлар ўзлари истаган усулда, яъни телефон орқали қўнғироқ қилиш, веб-порталдаги тегишли шаклни тўлдириш ёки республиканинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларидаги Халқ қабулхонасига ташриф буюриш орқали бемалол мурожаат қилишлари мумкин.

**Виртуал қабулхона фаолияти йўлга қўйилганидан буён**

**3 389853 та** мурожаат қабул қилинди.

Шундан **3 330963 таси** кўриб чиқилган.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Халқ қабулхоналари вакиллари, давлат органлари ва секторлар раҳбарлари ҳамда бошқа мутасаддилар иштирокида ташкил этилаётган мулоқотларда муаммолар очиқ-ойдин айтилиб, уларни ҳал этиш йўллари изланяпти. Чунончи, Андижонда ҳам.

Вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмоновнинг навбатдаги сайёр қабули ўзгача кўринишда ташкил этилди. Яъни ҳокимнинг ўзи фуқаролар хонадонига бориб, ҳар бир оила соҳиби билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Ана шундай сайёр қабуллардан бири Асака туманидаги Навкан ҳамда Ҳамдўстлик маҳаллаларида ўтказилган. Натижада айрим одамларимизнинг минг бир истиҳоласи ила юзага чиқмаётган муаммолари ҳам кўзга яққол ташланди. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида аҳолининг куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишлари учун шароит яратилиб, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, йўл масаласидаги муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Фуқароларни ўйлантириб келаётган тураржой ва иш билан таъминланиш масалалари ҳам кун тартибидан четда қолмади.

**Навкан маҳалласида 1250 та оила мавжуд бўлиб, ундан 147 тасида суюлтирилган газ муаммоси мавжудлиги аниқланди. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи кичкинтойларга эса ўйингоҳ керак эди. Бу масалалар шу жойнинг ўзида ҳал этилди**.

Ҳамдўстлик маҳалласида истиқомат қилувчи 2783 та оила аъзоларининг ҳам сайёр қабулдан кўнгли тўлди. Боиси шу куни уларни қийнаб келаётган юзлаб муаммоларга ечим топилди. Жумладан, кўп қаватли уйларда носоз ҳолатдаги канализация тармоқларини янгилаш, марказий тармоққа улаш ишлари бажарилиб, электр узаткич аппаратлари янгисига алмаштирилди, кўчаларга чироқлар ўрнатилди.

— Кўп қаватли уйда икки ўғлим ва уларнинг оила аъзолари билан бирга яшайман, — дейди ушбу маҳаллада яшовчи Тўлғоной Ғайнонова. — Вилоят ҳокими хонадонимга кириб, яшаш шароитим билан танишди. Шу куннинг ўзида уйимни иситиш воситалари билан таъминлаб, хоналаримизга эшиклар ўрнатиб беришди. Катта ўғлимга 2020 йилда қуриб битказиладиган уйлардан бирининг калити топшириладиган бўлди. Унинг дастлабки тўлови вилоят ҳокимлиги томонидан тўлаб берилар экан. Бундай эъзоздан ниҳоятда мамнун бўлдик.

Халқ билан мулоқот давомида 573 та мурожаат қабул қилиниб, шундан 529 таси шу куннинг ўзида ижобий ҳал этилди.

**Бухоро**нинг Оғитма, Чуруқ, Жонгелди аҳоли пунктлари вилоят марказидан тахминан 180 — 220 километр олисда. Ғиждувон, Шофиркон ва Пешку туманларига қарашли ушбу масканлар саҳро бағрида жойлашган бўлиб, асосан, қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади.

Вилоят ҳокими Ў. Барноев шу масканларда бўлиб, оммавий қабул ўтказди.

— Юртимизда одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашлари йўлида қилинаётган ишлардан хабардормиз, албатта, — дейди Чуруқ аҳоли пунктида яшовчи Нуржаҳон Серикова. — Қанийди, вилоятимиз ҳокими бизнинг овулимизга ҳам келса-ю, у билан юзма-юз суҳбатлашсак, дея ният қилардик. Овулимизга вилоят ҳокими даражасидаги раҳбарнинг ташриф буюрмаганига 20 йил бўлганди-да. Қаранг, ниятимиз амалга ошди. Шу баҳонада ўз дарду ташвишларимизни айтдик. Кўплаб муаммоларимизнинг ечими топилди, жумладан, электр тармоғи таъмирланадиган бўлди.

**Аҳоли сони нисбатан кам бўлган бу каби масканларда муаммолар кўпайиб қолган. Дейлик, Оғитмада мобил алоқа тизими йўқ. Газ баллонлари таъминотида сусткашликлар учраяпти. Аҳолини қиш мавсумида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, электр энергияси таъминотини яхшилаш борасида қийинчиликлар бор.** Вилоят ҳокими бу каби масалаларни зудлик билан ҳал қилиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Тадбир давомида аҳоли ва мактаб ўқувчиларига, жажжи болажонларга иссиқ кийим-кечак, ўқув қуроллари, компьютер жамламалари, китоблар тарқатилди.

Шунингдек, **Самарқанд вилояти** ҳокими Э. Турдимов, Халқ қабулхонаси, секторлар раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари сайёр қабуллар уюштириш орқали аҳоли билан мулоқотда бўляпти. Вилоятнинг чекка ҳудудларида бўлиб, одамларнинг кайфияти, яшаш тарзи билан қизиқмоқдалар.

Ана шундай учрашувларнинг навбатдагиси Нуробод туманининг Тим қишлоғи аҳолиси билан ўтказилди. Ушбу ҳудуд кейинги йилларда эътибордан четда қолиб келаётганлиги натижасида муаммолар тўпланиб қолганди. Қишлоқ йўллари қарийб 25 — 30 йилдан буён таъмирланмаган. Ҳудудда транспорт қатновининг яхши эмаслиги аҳолини қийнаб келаётганди.

Учрашувда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъулларга зарур кўрсатмалар берилди. Қишлоқ ички кўчаларининг асосий қисмига асфальт қопламаси, Янги йилга қадар маҳалладаги тупроқ йўлларга шағал ётқизиладиган бўлди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг, йўлга қўйилган ноёб тизимнинг амалдаги ифодалари саналади. Мақсад аҳолининг бугунидан рози бўлиб, фаровон яшашига эришишдир.

**«Халқ сўзи».**

# КОРПОРАТИВ ЕВРОБОНДЛАР ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

←1

Музокараларда инвесторларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, банк тизимида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан йирик тижорат банкларининг капитализацияси ва кредитларни мазкур жамғармага ўтказиш борасидаги Ҳукумат стратегияси, Ўзбекистондаги банкларни хусусийлаштириш истиқболлари, халқаро облигация маблағларининг қайси лойиҳаларга йўналтирилиши, банкнинг бошқа ресурс базасини шакллантириш манбалари, "Ўзсаноатқурилишбанк"да трансформациядан кейин кутилаётган активлар ҳолати, кредит сиёсати, муаммоли активлар динамикаси тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, банкнинг трансформация жараёни (жумладан, хусусийлаштиришга тайёргарлик) ва унда Халқаро молия корпорациясининг иштироки ҳамда корпоратив бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши йирик инвесторлар томонидан ижобий қабул қилинди.

Банкнинг бизнес модели тижорат фаолиятини янада мустаҳкамлашга ва босқичма-босқич хусусийлаштиришга қаратилаётгани туфайли "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ инвесторлар томонидан давлат банки эмас, тижорат банки сифатида қабул қилинди ҳамда Россиянинг "Московский кредитный банк" (5 йиллик 5,3 фоиз), Грузиянинг "ТБС Банк" (5 йиллик 5,75 фоиз купон), Туркиянинг "Акбанк" (5 йиллик 6 фоиз) каби банкларига таққосланди.

Жорий йилнинг 25 ноябрь куни инвесторларнинг таклифларига асосланган молиявий консультантларнинг тавсиясига кўра, банкнинг 5 йиллик халқаро облигациялари учун илк даромадлилик ставкаси 6,50 фоиз этиб белгиланди ва Лондон вақти билан соат 08:23 да транзакция эълон қилинди. Буюртмалар ҳажми соат 10:00 да 300 млн. доллар (транзакция тўлиқ қопланди) ва 12:10 да 800 млн. долларни (транзакция 2,5 баробар тўлиқ қопланди) ташкил этди.

Лондон вақти билан соат 12:25 да облигацияларнинг даромадлилик ставкаси 0,125 фоизга пасайтирилди ва янги ставка 6,375 фоиз деб эълон қилинди. Мазкур стратегия инвесторларга маъқул келди ва 13:05 га келиб буюртмалар ҳажми 1 млрд. доллардан ошди. Соат 14:00 да буюртмалар китоби 1,2 млрд. доллар билан, яъни транзакцияни 4 баробардан юқори қоплаган ҳолда ёпилди.

Талабнинг юқорилиги натижасида молиявий консультантлар даромадлилик ставкасини 6 фоизга туширишга муваффақ бўлишди. Транзакция Лондон вақти билан соат 17:00 да 5,75 фоиз купон ставкаси билан якунланди.

Мазкур транзакция Ўзбекистон тарихида илк бор "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан чиқарилган корпоратив халқаро облигациялар бошқа тижорат банклари ва корхоналар учун "бенчмарк" бўлиб хизмат қилади.

Дунё бозори сари ташланган мазкур дадил қадамнинг халқаро инвесторлар томонидан ижобий қабул қилингани хориж ҳамжамияти томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларга берилган яна бир юксак баҳодир.

**Банк ахборот хизмати.**

# «КАМАЗ» АВТОМОБИЛЛАРИ ШАССИСИНИ ЙИҒИШ ЛИНИЯСИ РАСМАН ИШГА ТУШДИ

←1

Янги линияни ташкил этиш маҳаллийлаштирилган аккумуляторли батареялар, ёқилғи-мойлаш материаллари, газ баллонлари ва маҳаллий ишлаб чиқаришга мансуб бошқа бутловчи қисмлардан фойдаланган ҳолда "КамАЗ" шассисини ишлаб чиқаришнинг янада чуқурроқ технологик босқичига ўтиш имконини берди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Тантанали маросимда, шунингдек, "UzAuto Trailer" МЧЖ заводида ишлаб чиқарилаётган самосвал кузовлари сифатининг эътирофи ўлароқ, Hardox in My Body сертификати билан тақдирланди. Сертификатни "Strenx", "Hardox", "Docol" ва бошқа машҳур брендлар остида юқори мустаҳкамликдаги пўлат ишлаб чиқарувчи жаҳондаги етакчи "SSAB" швед компанияси вице-президенти Жонни Сьострем топширди.

Тадбирда "UzAuto Trailer" МЧЖ ва "КамАЗ" ИЧАЖ ўртасида "KAMAZ ASIA LEASING" қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари имзоланди.

Лизинг компаниясининг устав фонди 5 миллион доллар бўлиб, унинг 2,5 миллион доллари Россия томонининг тўғридан-тўғри инвестициясидир. Кутилишича, қўшма корхона "КамАЗ" автомобилларини лизингга олиш бўйича "Ягона дарча" режимида комплекс маҳсулот таклиф этади, унинг ичига суғурталаш, телематик жиҳозлар ўрнатиш ва бошқалар ҳам киради. Шунингдек, онлайн хизмат кўрсатиш ва садоқат дастури ишга туширилган.

Эслатиб ўтамиз, 2017 йил декабрь ойида "UzAuto Trailer" МЧЖ заводида "КамАЗ" автотранспорт воситаларини "UzAuto Trailer"да ишлаб чиқарилган устқурмалар ва яримтиркамалар ўрнатилган йирик узелли ишлаб чиқариш бошланганди. 2018 йил март ойида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "КамАЗ" юк автомобилларининг тақдимоти ўтказилди. Бир неча ойдан сўнг компания мазкур автомобилларни сота бошлади ва ўтган давр мобайнида "КамАЗ" шассисидаги тайёр транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми 1900 донадан ортди. Бугунги кунда заводда ишлаб чиқариладиган ушбу юк машиналарнинг моделлар қатори юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 36 тоннагача бўлган 18 дан зиёд техникаларни ўз ичига олади.

**Ғ. ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.**

Спорт

# «НКМК кубоги»да янги номлар кашф этилди

*Навоий шаҳридаги "Сўғдиёна" жисмоний тарбия ва спорт клубида илк маротаба бадиий гимнастика бўйича "НКМК кубоги" халқаро мусобақаси бўлиб ўтди.*

*Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси билан ташкил этилган мазкур турнирда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, шунингдек, юртимиз вилоятларидан 300 нафарга яқин спортчилар ғолиблик учун ўзаро куч синашди.*

Таъкидлаш жоиз, Навоий вилояти мамлакатимизнинг бадиий гимнастика яхши ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда етишиб чиққан нафосат маликалари Ватанимиз шарафини халқаро ареналарда муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг иккинчиси ёшларнинг жисмоний чиниқиши ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиб беришдан иборат. Ушбу мусобақа ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Мазкур халқаро турнир нафосат, гўзаллик ва дўстликни тарғиб қилишда ўзига хос майдон вазифасини ўтади, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Дилдора Раҳматова. — Беллашувлар қизғин ва муросасиз кечди. Янги номлар, истеъдодлар кашф этилди. Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, жамоавий дастур бўйича Навоий вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб, "НКМК кубоги"нинг илк соҳиби бўлди. Тошкент шаҳри спортчилари иккинчи, Бухоро вилояти вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга медаль, қимматбаҳо совға ҳамда фахрий ёрлиқлар тантанали равишда топширилди.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6